

НАМАНГАН МУҲАНДИСЛИК-ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТИ

“Микроиқтисодиёт” фанидан

ТАҚДИМОТ

Тайёрлади:

4-КТБҲА-12 Гуруҳ талабаси
Исақов Сарвар



Мавзу: Бозор мувозанати



**. БОЗОР
МУВОЗАНАТИ.
МАКСИМАЛ ВА
МИНИМАЛ
НАРХЛАР**

. Бозор мувозанати

**Товарнинг минимал
ва максимал баҳоси**

Мувозанат - бу тизимнинг шундай бир ҳолатики, агар унга бирор бир ташқи куч таъсир қилмаса, у ўзининг ушбу ҳолатини сақлаб қолади.

Талаб ва таклиф моделида талаб чизиғи билан таклиф чизиғининг кесишган нуқтаси бозор мувозанатини билдиради. Демак, бозор мувозанати талаб ҳажми билан таклиф ҳажмининг тенглигини таъминлайдиган нарх даражаси ва товар миқдори билан аниқланади. Талаб ва таклиф қонунига кўра шуни таъкидлаш мумкинки, агар бозор мувозанат ҳолатида бўлса, у ҳолда, унинг қатнашчилари товар нархини ёки товар миқдорини ўзгартиришларига ҳеч нарса сабаб бўлмайди

Умуман олганда бозорнинг динамик моделида бозор нархи нинг ўзгариши уч хил вариантга олиб келиши мумкин:

1. Вақт ўтиши билан бозор нархи нинг мувозанат нархдан четланиши камайиб боради;

2. Бозор нархи мувозанат нархдан ўзоқлашиб боради;


3. Бозор нархи мувозанат нарх атрофида тебраниб туради ва бозор мувозанатига ҳеч вақт эришилмайди.

Агар таклиф чизиғи S талаб чизиғи D га нисбат тикроқ бўлса, биринчи ҳол юз беради. (4.4–расм).

Агар таклиф чизиғи S нинг ётиқлиги талаб чизиғи D нинг ётиқлигига нисбатан ётиқроқ бўлса, иккинчи ҳол амалга ошади (4.5-расм). Учинчи ҳолатда талаб ва таклиф чизиқлари ётиқлиги бир хил бўлади.


■ Талаб чизиғининг


■ силжиши.



Таклиф чизиғининг


силжиши.






**Бозорнинг динамик моделида
нархлар траекторияси
ўргимчак уяси тўрига ўхшагани
учун ҳам бу модел
тўрсимон модел деб ном олган.
Тўрсимон модел сифатида биржа
бозорини (масалан,
қимматли қоғозлар бозори, ёки валюта
бозорини) қараш мумкин.**

Нарх максимал бўлганда маҳсулот танқислиги.





Маълумки, товарга бўлган талаб, унинг
нархига, истеъмолчи даромадига ва
бошқа товарлар нархига боғлиқ. Худди
шундай, таклиф товар нархига ва
товарни ишлаб чиқариш харажатига
боғлиқдир.



Агар
сотувчиларга
товарни максимал
нарх дан юқори
нархда сотишга
рухсат бўлмаса,
таклиф миқдор
билан
чегаралангани
учун, норасмий
бозор (хуфиёна
бозор) вужудга
келади (расмда бу
нуқта орқали
ифодаланган

Бундай минимал нарх давлат томонидан, ушбу маҳсулотни ишлаб чиқарувчиларни ҳимоя қилиш учун ўрнатилади. Минимал нархнинг ўрнатилиши, ортиқча маҳсулотнинг вужудга келишига олиб келади ёки маҳсулотлар сотилмасдан омборларда тўпланиб қолишига олиб келади. Бу вазият 4.7-расмдаги графикда келтирилган, ортиқча маҳсулот ҳажми га тенг. Агар давлат маҳсулотни минимал нархдан паст нархда сотишга рухсат бермаса, бу ерда ҳам норасмий бозор вужудга келади. Графикдаги нуқта ортиқча маҳсулотни норасмий равишда мувозанат нархдан паст нархда (нархда) сотилиши мумкин бўлган вазиятни кўрсатади. Шундай қилиб, талаб ва таклиф модели орқали бозор нархларини ўзгартиришнинг оқибатларини чуқур таҳлил қилиш мумкин.



Тавсия этиладиган адабиётлар.

1. Гуломов С.С., Алимов Р.Х., Салимов
2. Б.Т. Микроиқтисодиёт. - Т.: Шарқ, 2001.
2. Пиндайк Р., Рубинфельд Д. Микроиқтисод . Инглизчадан таржима. – Т.: Шарқ, 2002.
3. Эгамбердиев Э. Микроиқтисодиёт . Дарслик. – Т.: Молия, 2004.
4. Хамдамов К.С. Микроиқтисод. -Т.: ТДИУ, 2001.
5. Славин М.Б. Системный подход в микроэкономике. - М.: ТЕИС, 2001.
6. Конюховский П.В. Микроэкономическое моделирование в банковской деятельности . Москва, Харьков, Минск, 2001.
7. Фальцман В.К. Основы микроэкономики. - М.: ТЕИС, 2000.
8. Москва Институт Микроэкономики. www.citymarket.ru.